



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - I yanvar

104 n -son

Boğ‘ot shaharchasi

Фуқаро Абдуллаев Мухтар Хусаиновичга Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаев Мухтар Хусаиновичнинг “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 28 декабрдаги ШЯ-А-3639-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2021 йил 18 январдаги 17-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Хунарманд” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаев Мухтар Хусаиновичга “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер”ни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Абдуллаев Мухтар Хусаиновични “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Абдуллаев Мухтар Хусаинович “Хунарманд” маҳалласи ҳудудига вақтинча (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**

Ш.Яхшибаев